1925-YILDAN
CHIQA BOSHLAGAN

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

2018-YIL 8-MAY
SESHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

54
(16211)

Biz – kelajak bunyodkorimiz!

# YOSHLAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш ҳамда аҳоли ҳаёт даражаси ва фаровонлигининг барқарор ўсишига имкон берувчи фаол тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишга, фан ва инновацион фаолият жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил натижалари мамлакатда фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга тўсқинлик қилувчи, жумладан, қуйидаги қатор тизимли муаммолар мавжудлигидан далолат беради:

**биринчидан**, ҳудудларнинг мавжуд ресурс базаси ва салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда илғор ва замонавий инновацион ишланмалар, технологик лойиҳалар-стартаплар ва инновациялар бозорини тизимли таҳлил қилиш йўлга қўйилмаган;

**иккинчидан**, инновацион лойиҳалар-стартапларга инвестицияларни жалб этиш, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасига инновацияларни фаол жорий қилувчи иқтидорли тадбиркорлар фаолиятига кўмаклашиш ва мувофиқлаштириш ишлари лозим даражада амалга оширилмаяпти;

**учинчидан**, инновацион ривожланиш соҳасида, айниқса, жойларда ишбилармонлик муҳити паст даражада, шунингдек, инновацион ва муваффақиятли технологик лойиҳалар-стартапларни ишлаб чиқиш ва илгари суриш бўйича зарур кўникмаларга эга тадбиркорларнинг етишмовчилиги сақланиб қолмоқда;

**тўртинчидан**, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларнинг маълумотлар базаси мавжуд эмас, янги ресурсларни яратиш ва тажрибани бизнес-тузилмаларга ўтказиш амалиёти ривожланмасдан қолмоқда;

**бешинчидан**, инновацион ишланмалар бозорини қўллаб-қувватлаш механизмлари суст даражада ишлаб чиқилган, инновацион ғоялардан самарали фойдаланишни мувофиқлаштириш йўлга қўйилмаган, инновацион ишланмаларнинг сифати эса бозор талабларига жавоб бермайди;

**олтинчидан**, инновацион ишланмалар, технологик лойиҳалар-стартаплар соҳасига техника олий таълим муассасалари битирувчилари ва иқтидорли ёшларни жалб этишга, шунингдек, бизнес-инкубаторларни яратишга лозим даражада эътибор қаратилмаяпти;

**еттинчидан**, аҳоли ўртасида инновацион тадбиркорликни оммалаштириш ишлари самарали олиб борилмаяпти, инновацион маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқишга ва илгари суришга жалб қилишда техник ва психологик тўсиқлар сақланиб қолмоқда.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда фаол тадбиркорликни ривожлантириш, инновациялар бозорининг шаклланиши ва фаолият кўрсатиши, шунингдек, маҳаллий ва хорижий инновацион ишланмаларни иқтисодиётнинг реал секторига илгари суриш учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг давлат-хусусий шериклик шартларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида инновацион лойиҳалар-стартапларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ўзлаштириш, инновацион фаолият натижаларини трансфер қилиш ва тижоратлаштиришни амалга оширувчи **Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказларини** (кейинги ўринларда марказлар деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

(Давоми 2-саҳифада)

XALQARO HAMKORLIK

## ДЎСТЛИК ВА БИРДАМЛИК САРИ

ТУРКИЯДА АЙНИ ПАЙТДА 30 МИНГ НАФАРДАН ЗИЁД ФУҚАРОМИЗ ИСТИҚОМАТ ҚИЛАДИ. УЛАРНИНГ 860 НАФАРИ ТАЛАБА-ЁШЛАРДИР.

**Айни кунларда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи делегацияси хизмат сафари билан Туркия Республикасида бўлиб турибди.**

Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (TIKA) билан ҳамкорликда амалга оширилаётган бир ҳафталик "Дўстлик лойиҳаси"да Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий, ҳудудий, маҳаллий кенгашлари, ташкилот тизимидаги тузилмалар, оммавий ахборот воситалари, ёшлар масаласи билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Ташрифнинг илк кунида вакилларимиз оммавий ахборот воситалари, тадбиркорлик, муҳандислик ва технологиялар йўналишларида гуруҳларга бўлиниб, маҳорат дарсларида иштирок этди.

Хусусан, делегация таркибидаги журналистлар нафақат Туркия, балки жаҳонда катта нуфузга эга бўлган "Анадолу" ахборот агентлигининг Истанбул хабарлари ҳудудий бўлинмаси мудири ёрдамчиси Исмоил Фидан билан учрашди. Мутахассис уларни агентлик тузилмаси, ахборот сиёсати билан таништирди. Шунингдек, "Дипломатия ва хориж хабарлари" мавзуида ўтилган маҳорат дарсида хорижий аудитория учун материал тайёрлаш технологияси хусусида сўз юритилди.

Айтиш керакки, "Анадолу" ахборот агентлиги дунёнинг юзга яқин мамлакатида ўз фаолиятини олиб боради ва 41 та хорижий мухбирлик пунктига эга. Ахборотлар 13 тилда тайёрлаб, узатилади. Бундан ташқари, Туркиядаги барча босма нашрлардаги материалларнинг 40 фоизи, фотосуратларнинг 63 фоизи бевосита мазкур агентликка тегишли. Ахборот сайтларидаги 89 фоиз хабарлар эса, агентлик материалларидан ташкил топган.



Шу куни делегациямизнинг тадбиркорлик ҳамда муҳандислик ва технология гуруҳи аъзолари Туркия палаталар ва биржалар бирлиги иқтисод ва технологиялар университети профессори, доктор Рамазан Акташ ва TUBITAK MAM нанотехнологиялар маркази бошқармаси бошлиғи Намик Серкан Ташкиран билан мулоқотда бўлди.

Мамлакатимизнинг Туркиядаги элчихонаси, Истанбулдаги бош консуллик вакиллари, ўзбекистонлик талаба-ёшлар ҳамда Иттифоқ делегацияси аъзолари иштирокида форум ташкил этилди. Унда Ўзбекистон ёшлари халқаро ассоциацияси раҳбари Муродилла Алимбоев сўзга чиқиб, ташкилотнинг мақсад-вазифалари, шу кунгача амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берди.

Ассоциациянинг Туркиядаги вакили этиб ўзбекистонлик талабалар бирлиги ташкилоти асосчиларидан бири, Истанбул тижорат университетида докторантура таълимини олган Эргаш Жумаев тайинланди.

Ташрифнинг учинчи кунида TIKАнинг хорижий ишлар бўлими раҳбари Мустафо Ҳошим Полат ва Ҳалил Иброҳим Окур томонидан ташкилотнинг фаолияти ва лойиҳа яратиш технологияси ҳақида тақдимот ўтказди.



Қайд этилдики, мазкур бошқарманинг фаолият қамрови кенг бўлиб, охирги ўн тўрт йил ичида 18 мингта лойиҳани амалга оширган. У 150 мамлакатда ўз фаолиятини юритади. 60 та давлатда ўз ваколатхоналари бўлиб, бир йилда икки мингдан ортиқ лойиҳа бажарилади. Ушбу ташкилот таълим, қишлоқ хўжалиги ва фермерлик, сув ресурслари ва санитария, соғлиқни сақлаш, оммавий ахборот воситалари, транспорт хизмати, туризм каби йўналишларда фаолият олиб боради.

Семинар давомида делегация аъзолари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Ўзбекистон делегациясининг Туркия сафари давом этмоқда.

**Наргиза УМАРОВА**
*Истанбул*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА СОҲАЛАРИГА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қайд этилсинки, мамлакатда қисқа муддатда инновацияга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантиришга ва инновацияларни кенг жорий этиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Республикани инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган ташкил этилганлиги, унинг ҳузурида Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси шакллантирилганлиги мазкур йўналишдаги муҳим босқичлардан бири бўлди.

Шу билан бирга, илмий тадқиқотлар билан ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини йўлга қўйишга, алоқаларни мустаҳкамлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда, уларга, аввваламбор:

**биринчидан**, олий таълим муассасалари илмий ишлари ва илмий-тадқиқот ташкилотлари тадқиқотларининг натижаларини тижоратлаштириш кўрсаткичларининг пастлиги ҳамда қониқарсизлиги;

**иккинчидан**, инновацион жараёнларни рағбатлантириш, ҳудудлар ва тармоқлар даражасида инновацион ривожланиш ва инновацион фаоллик комплекс дастурларини амалга ошириш, инновацион фаол тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмлари мавжуд эмаслиги;

**учинчидан**, хусусий сектор вакилларининг инновацион фаолиятга, жумладан, уларнинг манфаатдорлиги пастлиги сабабли етарли даражада жалб қилинмаслиги;

**тўртинчидан**, давлат илмий-техник дастурлари доирасида грантларни тақсимлаш ва улардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таъсирчан чора-тадбирларнинг мавжуд эмаслиги;

**бешинчидан**, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик ва инвестициялар жалб этиш даражасининг қониқарсизлиги каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Инновация фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини тубдан такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни янада самарали жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академиясининг:

олий таълим муассасаларида илмий ишлар бўйича проректор лавозими ўрнига илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор лавозимини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг илм-фан бўйича директор ўринбосарларини бир вақтда тегишли йўналишдаги олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори лавозимларига тайинлаш;

олий таълим муассасалари тузилмасида инновацион жамғармалар ва илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмалар ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан молиялаштириладиган қўшимча 10 та штат бирлигини ажратган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тузилмасида Фан ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари илмий-тадқиқот муассасаларининг илм-фан бўйича директор ўринбосарларини (кейинги ўринларда илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарлари деб юритилади) лавозимга тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарлари инновация фаолиятига оид масалалар, илмий-инновацион ишланмаларни жорий этиш ва тижоратлаштириш натижалари бўйича бевосита Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига ҳисобдордир;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги йилига камида икки марта Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарларининг илмий-инновацион фаолиятини баҳолаш юзасидан ахборот киритади;

Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг ўринбосари вазифасини бажарувчи А.Ю.Умаров илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарларининг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш бўйича шахсан масъул ҳисобланади;

олий таълим муассасаларининг инновацион жамғармаларини (кейинги ўринларда – инновацион жамғармалар) шакллантириш инновацион маҳсулотларни тижоратлаштиришдан олинадиган даромадлар, олий таълим муассасаларининг иш ҳақи, стипендия тўлаш, шунингдек, бошқа жорий харажатлари қопланганидан кейин тўлов-контракт маблағларининг 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорини йўналтириш ҳисобига амалга оширилади.

Инновацион жамғармаларнинг маблағлари:

илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни рағбатлантиришга;

илмий-лаборатория ускуналари, сарфлаш материаллари ва бутловчи буюмлар сотиб олишга;

илмий-тадқиқот инфратузилмасини шакллантириш ва янгилашга, илмий ходимларни моддий рағбатлантиришга;

инновация фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни амалга оширишга йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

(Давоми 2-саҳифада)

## ЖАСОРАТИ ЁШЛАРГА ИБРАТ

Наргиза ҚОРАБОЕВА,
Зулфизар МАВЛОНОВА

**Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлашда чегарачиларнинг ўрни беқиёс. Уларнинг қаҳрамонликларини тарих зарварақларида қолдириш, хотирасини абадийлаштириш бизнинг бурчимиздир.**

Сурхондарёлик Фарҳод Абдуллаев, Ғулом Ҳусанов, Турғун Жўраев ҳам чегара ҳудудларда террористик гуруҳларга қарши жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган. 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан йигитлар таълим олган мактабларга уларнинг бюстлари ўрнатилиб, очилиш маросимида Сурхондарё вилояти ҳокими Эркин Турдимов, мутасадди ташкилот раҳбарлари, ўқувчи-ёшлар ҳамда марҳум аскарларнинг ота-оналари иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар жасорат соҳибларининг матонати барча учун ўрнак экани, уларнинг хотираси мудом қалбимизда яшашини таъкидлади.

* * *

Шофирконлик Назиржон Эгамов ҳам мустақиллик қалқонларидан биридир.

Куни кеча қаҳрамон ўғлон таҳсил олган 38-умумтаълим мактабида унинг шарафига бюст ўрнатилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Бухоро вилояти ҳокими Ўктам Барноев сўзга чиқиб, Назиржоннинг оиласи ва яқинларига эҳтиром кўрсатди.

Тадбир давомида "Жасорат" медали соҳиби Назиржон Эргашевнинг кўрсатган матонати ҳақида сўз юритилди.





ЭНДИ АДАШИШГА ҲАҚҚИ ЙЎҚ 2



ОСМОНИМИЗ МУСАФФО, ҚЎРҒОНИМИЗ ТИНЧ 3



УРУШ, НОМИНГ ЎЧСИН ЖАҲОНДА 4

## "БУЮК КЕЛАЖАК" – ХОРИЖДА ЯШАЁТГАН ВАТАНДОШЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

**Ўзбекистонда туғилиб, хорижда ўқиётган ва ишлаётган юртдошларимиз томонидан жорий йилда "Буюк келажак" халқаро нодавлат нотижорат ташкилотига асос солинган эди. Пойтахтимизда 7 май куни ушбу ташкилот фаолиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

Буюк мутафаккирларга замин бўлган юртимизда ҳозирги кунда ҳам юксак билим ва салоҳиятга эга авлод камол топмоқда. Кўплаб ватандошларимиз дунёнинг турли давлатларида яшаб, ўз соҳаларида катта муваффақиятларга эришмоқда. Улар орасида олимлар, ишбилармонлар, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, талабалар бор. Ўзини мамлакат келажагига дахлдор деб билган ана шундай ватанпарвар авлод вакиллари буюк келажак йўлида бирлашмоқда.

Видеомулоқот тарзида ўтказилган анжуманда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Маъмурий ислоҳотлар концепциясига мувофиқ мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилиш ва либераллаштириш, давлат ва жамият ҳаётини ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани, бу жараёнда халқаро тажриба ва илмий ёндашувлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида Америка Қўшма Штатларида истиқомат қилаётган бир гуруҳ ватандошларимиз билан учрашув чоғида хориждаги ватандошларимизни Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларда иштирок этишга, ўз билим ва тажрибаси билан мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга чорлаган эди.

Давлатимиз раҳбарининг ана шу даъватидан сўнг "Буюк келажак" халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти ташкил этилди. Мазкур тузилма чет элларда яшаётган, инновацион ғояларни мамлакатимиз саноати ва ишлаб чиқариши, илмий соҳасида татбиқ этишни мақсад қилган ватанпарвар юртдошларимизни ўз атрофига бирлаштирди.

"Тараққиёт стратегияси" маркази, АҚШ, Россия, Буюк Британия каби дунёнинг турли мамлакатларида меҳнат фаолиятини олиб бораётган 32 юртдошимиз ушбу тузилма Экспертлар кенгашининг илк аъзолари бўлишди.

Тадбирда "Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори А.Бурҳонов, "Буюк келажак" ташкилоти Экспертлар кенгаши аъзолари А.Каланов, Б.Исмоилов ҳамда видеомулоқот орқали дунёнинг турли минтақаларидаги ватандошларимиз давлат бошқаруви институтларини янада ислоҳ қилиш, инвестициялар бозорини ривожлантириш борасидаги ўз фикрларини билдирди.

Ватандошларимиз Ўзбекистон равнақига муносиб ҳисса қўшиш ўзлари учун улкан шараф экани, бундай эътибордан фойдаланиб, банк, саноат, молия, таълим, технология, инвестиция ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга ўзларининг бор билим ва имкониятларини ишга солишга тайёрлигини қайд этди.

– Франция ва Англияда нефть-газ соҳаси бўйича ўқиб, тажриба оширдим, – дейди Ойбек Шайхов. – "Буюк келажак" ташкилоти доирасида кўникмаларим билан ўртоқлашиш ва юртимиздаги ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиш ниятидаман. Ташкилотнинг дастлабки учрашувида солиқ концепциясини шакллантириш, соғлиқни сақлаш, экология каби йўналишларда мақсадли лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этишга келишиб олинди. Бундай фаолият орқали муваффақиятли келажак стратегиясини бир стол атрофида таҳлил қилиш имконига эга бўлмоқдамиз.

Тадбирда "Буюк келажак" ташкилоти Экспертлар кенгашини шакллантириш, халқаро консалтинг компаниялари иштирокида Ўзбекистоннинг 2035 йилгача бўлган тараққиёт стратегияси асосида узоқ муддатли ривожланиш моделини ишлаб чиқиш, кенгаш аъзоларидан иборат иқтисодиёт, давлат бошқаруви ва ижтимоий соҳа йўналишида ишчи гуруҳларини тузиш масалалари муҳокама қилинди.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

YOSHLAR OVOZI
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
www.yoshlarovozi.uz
yoshlarovozi@umail.uz
54-SON 2018-YIL 8-MAY






# ОСМОНИМИЗ МУСАФФО, ҚЎРҒОНИМИЗ ТИНЧ

Саидолим АБДУРАҲМОНОВ

**Иккинчи жаҳон уруши ўттиз миллион инсоннинг ёстиғини қуритди. Миллионлаб оилалар пароканда, болалар етим бўлди. Биргина Ўзбекистондан 400 мингдан ортиқ бўз йигит урушдан қайтмади. Эвазига эса, бугун биз тинч, осуда яшаяпмиз. Осмонимиз мусаффо, қўрғонимиз тинч.**

Анов турган одамнинг кўкси тўла орден, аммо вужуди... Тасаввурида даҳшатли манзаралар муҳрланган бу одам — урушнинг тирик қурбони. У юрт тинчлиги учун фронтга жўнаган эди.

Водийлик бир юз йигирма мингдан зиёд ўзбек йигит-қизи урушда мардлик ва матонат кўрсатди. Инчунун, уларнинг барчасига жанговар орден ва медаллар топширилди. Яна 338 нафари қаҳрамон бўлди. Учала даражадаги "Шуҳрат" ордени билан 32 нафар ўзбекистонлик аскар мукофотланди.

Наманганлик Соли Адашев, Абдусаттор Раҳимов, Набижон Мингбоев, Файзулла Йўлдошев, Мамашариф (Михаил) Фаёзов, Борис Андреевич Ивановский сингари қаҳрамонларнинг, Холмат Жалолов, Ғани Валиев, Саиднаби Абдураҳмонов каби фидойиларнинг хотираси боқийдир...

Қаттиқ жанг кетарди. Взвод командири тиканли симтўсиқ олдида душманнинг ўқига учради. Шу пайт кичик сержант Набижон Мингбоев саросимага тушмай, қўмондонликни ўз зиммасига олди. У сим тўсиққа ташланди ва чопиб келаётган жангчиларга қарата "Взвод, менинг ортимдан, олға!" деб қичқирди. Жангчилар тирик кўприк — Набижоннинг устидан ўтиб душманга ташланди. Шу куни Набижон оғир яраланди, лекин жасур жангчи майдонни ташлаб кетмади. Қонга беланган, тиканли симлар туфайли аъзойи бадани тимдаланиб кетган ўзбек йигити — наманганлик Н. Мингбоев взводни олға бошлаб борди.

Худди шу каби Абдусаттор Раҳимов Днепр бўйларида Украина пойтахти Киев учун олиб борилган жангда тенгсиз жасорат кўрсатди. Красногорск ўқчи дивизиясига қарашли рота командири чустлик Мамашариф (Михаил) Фаёзов эса, "Ордер" операциясида ўзбекона ботирлигини намоён этди. Катта сержант, моҳир разведкачи Саиднаби Абдураҳмонов, норинлик Соли Адашев урушнинг сўнгигача қадар қаҳрамонона жанг олиб борди. Яна бир наманганлик қаҳрамон Файзулло Йўлдошев 1942 йилнинг декабрь ойида Маллерови шаҳрида немис газандаларига қарши жангга кирган бўлса, 1943 йилнинг 31 июнь куни Иваново Тородино қишлоғини душмандан озод этишда қатнашди. Ўша йилнинг 6 сентябрь куни 180-ўқчи двизия 42-полкининг бўлим командири Файзулло Йўлдошев бошлиқ аскарлар Днепр дарёсини кечиб ўтиб, Киевдан 18-20 чақирим шимолдаги плацдармни эгаллади. Уни мадад кучи етиб келгунча сақлаб турди.



Наманган туманининг Хонобод қишлоғилик, 61-ўқчи дивизиясининг пиёда разведкачиси, кичик сержант Ғани Валиев Берлиндаги Тельтов каналидан биринчи бўлиб ўтиб, душманнинг 2 та пулемётини, ўндан ортиқ фашистни йўқ қилди. 1945 йил 27 апрелда Берлин марказидаги взводга ҳужум қилиб, душманларнинг 4 нафарини асирга олди. Унинг ҳамқишлоғи, 1-, 2-, 3-даражали "Шуҳрат" ордени кавалери Холмат Жалолов кўрсатган жасоратларнинг ҳам ўзи бир китоб, ёзса арзийдиган жасоратдир.

Бундай қаҳрамонликларни Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ҳар бир ўзбек жангчиси ҳақидаги ҳикояларда эшитишингиз мумкин.

Айнан шунинг учун ҳам биз бугун тинч, осуда яшаяпмиз. Осмонимиз мусаффо, қўрғонимиз тинч!

# УМРИМ БЕҲУДА ЎТМАДИ

Отабек ИСРОИЛОВ

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Йўнғичқали" маҳалласида истиқомат қилувчи Холиқул ота Нахов тўқсон тўрт баҳорни қарши олди. У ўн етти ёшида фронтга — ҳар лаҳзада ўлим шарпаси соя ташлаб турган жангоҳга жўнади. Уруш ниҳоясига етгач, вайронага айланган Берлин шаҳридаги қайта қуриш ишларида иштирок этди.

Қарийб тўққиз йиллик мусофирликдан сўнг ота маконига қайтиб, қишлоқдаги мактабда ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. Ўттиз икки йил давомида ёш авлодга сабоқ бериб, нафақага чиқди.

Умри давомида меҳнатда чиниққан Холиқул ота ҳали ҳам уйда бекор ўтиришни истамайди. Томорқа юмушларига қарашиб, фарзандларига боғбонлик сирларини ўргатади. Икки ўғил ва икки қизни эл корига ярайдиган инсонлар этиб тарбиялаган нуроний бугун 16 нафар невара, ўттиздан ортиқ эвара қуршовида тинч, фаровон яшаяпти.

Куни кеча давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 16 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармонига кўра отага беш миллион сўм пул мукофоти ҳамда Президент совғаси топширилди.

— Бизга кўрсатилаётган эҳтиром учун миннатдормиз, — дейди Холиқул ота. — Бундай эътибордан қалбим қувончга тўлиб, умрим беҳуда ўтмаганига шукрона келтираман.



# САБОҚЛАР ШУКРОНАГА УНДАЙДИ

Севинч МАЖИДОВА,
Ёшлар иттифоқининг
Каттақўрғон тумани 17-умумтаълим мактаби
бошланғич ташкилоти етакчиси

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, каттақўрғонлик Жамол Бердиев бу йил 100 ёшни қарши олди. У фронтга отланганида 23 яшар йигит эди. Яқинда нуронийнинг суҳбатини олишга муяссар бўлдик. Бобони йўқлаб, уйига бордик.

— Уруш азобини тортиб, омон қолган ҳамюртларимиз бугун истиқлол гаштини суриб юрибди, — дейди отахон. — Яратганга беадад шукр, мен ҳам шулар қаторида. Яқинда Президентимиз уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида қарор чиқарди. Уни ойнаи жаҳон орқали тинглаб, кўзимга ёш келди. Бундай эътиборнинг savobи катта. Тинчликнинг қадрига етинглар, азиз болаларим!

# ВАТАН УНУТМАЙДИ...

Шоди ОТАМУРОД

Ўтмишу келажак, машаққату роҳат, саволу жавоб, савобу гуноҳ, уруш ва тинчлик... Бу мувозанатли дунёнинг бир-бирига эгиз, акс, ёнма-ён тушунчаларининг моҳиятини теран англамоқ учун ота-боболаримизнинг ҳаётига назар солишнинг ўзи кифоя. Бугуннинг ёшлари юксак келажак сари интилар экан, ана шу тушунчаларни англаб етса қандай яхши...

Ғаллаороллик Омон бобо Шойзоқов 97 ёшни қоралади. Шу кунларда уруш фахрийсининг хонадони гавжум. Уни йўқлаб, суҳбатлашиш, табриклаш баҳонасида келаётганларнинг қадами узилмайди. Айниқса, ёшлар унинг уруш хотираларини тинглаб, бобо билан биргаликда бугунги дориламон кунларга шукрона айтаяпти.

Тўққиз қиз, икки ўғилни тарбиялаб, вояга етказган уруш ва меҳнат фахрийсининг ҳолидан хабар олиш мақсадида тумандаги 42-умумтаълим мактаби ўқувчилари Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти етакчиси бошчилигида унинг уйига келди.

— Тинчлик — бебаҳо бойлик, — дейди О.Шойзоқов. — Унинг қадрини ва моҳиятини баъзилар унчалик чуқур англамаслиги мумкин. Лекин биз ўша уруш туфайли ўғлидан айрилган оналар, отасиз қолган норасида гўдаклар оҳу-зорини эшитганимиз учун ҳам бу гапларни бот-бот такрорлайверамиз. Совуқ уруш якунланиб, ватанга қайтганимда эндигина 22 ёшни қоралаган эдим. 1962 йили институтни битириб, 2003 йилга қадар олтмиш йил меҳнат қилдим. Шукр, юртимиз, халқимиз ардоғидамиз. Биз, қарияларни унутмай, ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлагани учун Президентимизга мингдан-минг раҳмат.

Ҳа, уруш йилларининг ситамли хотиралари, бугунги тинч-осойишта ҳаёт қадри инсонни ҳар бир дақиқа учун шукронага чорлайди.

Тинчлик учун мардлик ва матонат кўрсатган юзлаб юртдошларимиз, бу йўлда ўз жонини фидо қилган минглаб ота-боболаримизга таъзимдамиз.

Ватан ўз қаҳрамонларини ҳеч қачон унутмайди...



# ОСОЙИШТА КУНЛАРИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН

Қумар БЕГНИЯЗОВА



Қўлимда "Хотира — абадий" номли китоб. Гарчи бу ёдноманинг саҳифалари оз бўлса-да, битикларининг салмоғи катта. Хотиралар уйғониб, мозийдан сўзламиш бу асар қаҳрамонлари истиқлолга йўл очган инсонлар. Энг муҳими — унинг муаллифи урушнинг барча даҳшатию йўқотишларини ўз кўзи билан кўрган, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Нурулло Абдуллаев.

Отахон бугун юз билан юзлашган бўлса-да, ҳамон ғайрат-шижоати сўнган эмас.

— Қўнғирот туманида "Борсакелмас" деган жой бўларди, — дейди Нурулло Абдуллаев. — Ривоятларга кўра, унда одамларни ер қаърига тортадиган қум бўлган экан. Бу ерга неча алп йигитлар бориб, қайтиб келмабди. Болалигимда отамдан эшитганларим хотирамда яхши сақланган, Украина ўрмонларини худди шу "Борсакелмас"га ўхшатардим. Чунки 1944 йили 110-отряднинг тенг ярмини мана шу қуюқ дарахтзорлар "ютганди".

Нурулло отанинг қўлига қалам тутқазган бу ўтмиш воқеалари шунчаки эмас. У 1945 йили Германиянинг Потсдам шаҳрида ўз йигитлик бурчини ўтаётиб, душман билан яккама-якка курашда ўнг қўлидан жароҳатланди. Қаҳрамонимиз рақибидан тортиб олган ҳанжар ҳозир Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қошидаги музейда сақланмоқда. Ғалаба куни нишонланаётган дамда Нурулло ота Киевдаги касалхонада даволанаётганди.

Уруш ва меҳнат фахрийси Ватанга қайтганидан сўнг, кўп йиллар Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги терроризмга қарши кураш бўлимида терговчи, кейинчалик, Адлия вазири ўринбосари лавозимларида фаолият олиб борди. Собиқ полковникнинг 4 нафар фарзанди, 12 нафар неварасию 4 нафар чевараси бор. Фарзандлар ҳам ота касбини давом эттиряпти.

— Бундай дориламон кунларни кўп кутгандик, — дейди нуроний. — Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб юритаётган одилона сиёсатидан чексиз шодмиз. Шукрки, тинч ва осуда замонда яшаяпмиз. Уруш қатнашчилари, нуронийлар доимо ҳурмат-иззатда. 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан бир гуруҳ уруш қатнашчилари давлатимиз мукофотлари билан тақдирланиб, эъзозланяпти. Бундай эътибор барчамизни бирдек қувонтирмоқда.

Отахон ҳовлисидаги мўъжазгина боғдан бўшади дегунча нималарнидир битишга ёки китоб мутолаасига мук тушади. У "Жимлик" номли асари устида ишлаётганини айтиб қолди. Янги китоб юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ҳақида экан.

Бугун телевизор ёки ижтимоий тармоқларда узоқ-яқин давлатлардаги талотўпларни кўрсам, эшитсам, негадир Нурулло Абдуллаевнинг ҳали тугалланмаган китобини ўқигим келаверади...

# БОШИ КЎККА ЕТАРДИ

Гуллола ИСАКОВА



Мустақиллик майдони. Ҳар гал бу муаззам масканга борганимда унга туташ Мотамсаро она ҳайкалини четлаб ўтолмайман.

Иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетган ватандошларимиз номлари битилган зарварақларни бир-бир кўздан кечирар эканман, ҳалок бўлганларнинг сонини кўриб бобомнинг йўлига кўз тиккан бувим гавдаланаверади...

Бобом Маҳмуджон Одилов фронтга кетиб, 1942 йилда бедарак йўқолади. Бувимнинг айтишича, орадан 5 йил ўтгач, яъни 1947 йилда ундан хабар келади: у асирга тушиб, фашистлар лагерида қолиб кетган экан. Уруш тугаб, фашизм устидан ғалаба қозонилган бўлса-да, асирлар урушдан кейин ҳам анча вақт сўроқ қилинган, текширилган.

Кемереводаги кўмир шахтасида меҳнат қилган бобом узоқ суриштирувлардан сўнг, 1952 йилнинг баҳорида Тошкентга қайтади. Афсуски, фронтда олган жароҳати асоратлари анча йилларгача азоб бериб, 1988 йилда вафот этади...

Бугун мамлакатимиз бўйлаб байрам тадбирларини кузатиб, агар бобом ҳаёт бўлганида уруш фахрийларига кўрсатилаётган эҳтирому эъзоздан боши осмонга етарди, дея ўйга толаман.

Шукрки, бугун юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Ана шундай кунларга етишимизда, Ватан олдидаги бурчини мардона адо этган аждодларимиз хотираси қалбимизда мангу яшайди.



FOTOREPORTAJ

# УРУШ, НОМИНГ ЎЧСИН жаҳонда

**Тошкент фотосуратлар уйида “Халқ хотираси — муқаддас” номли кўргазма очилди.**











“Ўзархив” агентлиги ташаббуси билан ташкил этилган экспозициядан Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ўзбек халқи ва мамлакатнинг ҳаётини акс эттирган архив фотоҳужжатлари, фронтга юборилган совға-саломлар, мактуб ва китоблар, уруш ногиронларига ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорлар ўрин олган. Шунингдек, томошабинларга Иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги ҳужжатли фильмлар ҳам намойиш этилиб, 1941-1945 йиллардаги давлат ва жамоат арбобларининг овозли ёзувлари эшиттириляпти. Айниқса, уруш қатнашчилари билан ўтказилаётган учрашувлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

Кўргазма 14 майгача давом этади.

**Нозима МИЯССАРОВА**
*(муаллиф олган суратлар).*

QATRA

Гулмира НУСРАТОВА

## ИНТИЗОР

Интизор дастурхонга тортилган лимондан егиси келди. Аммо ойисининг танбеҳини эслаб, қўл узатмади. Мезбоннинг “Ол егин, нимага емаяпсан?”, дейишини кутди. Бироқ садо чиқмади. Ҳафсаласи пир бўлиб, уйга қайтар экан, ўзини ўзи юпатди: “Ўша нордон лимонни барибир еёлмасдим”.

## ОНА

Энг бедаво дард — қайғу. Онаизор шу сабабли тўшакка михланди. Бирдан-бир орзуси забонсиз, ёлғиз ўғлининг тилидан чиққан “Она” деган сўзни эшитиш эди.

## УНУТИШ

Инсон кимнидир унутиш учун, уни ҳар кун эслаши мумкин.

ORAMIZDAGI ODAMLAR

Муаззам ИБРОҲИМОВА

# ҚУЁШ БОЛАЛАРИ

**Ҳар куни олдимга югуриб келиб салом берадиган Мадинани яхши кўраман. Бошқа болалар ўйин билан андармон бўлса-да, у саломни унутмайди ва ҳамиша кулиб сўзлашади.**



— Туғилмасидан аввал қорнимдаги гўдакнинг ташхисини эшитганимда дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетганди, — деди қизалоқнинг онаси. — Қайнота-қайнонам, ота-онам, ҳатто турмуш ўртоғим ҳам унинг туғилишини хоҳламади. Мен эса, аллақачон юрагим остидаги кичкинтойимга меҳр қўйгандим. Қаршиликларга қарамай, уни дунёга келтиришга қарор қилдим. Болам илк жилмайишидаёқ менга миннатдорлик билдириб, яшаш имконини берганим учун гўзал табассумни ҳадя этганди, гўё. Ўша дақиқаларда барча ғам-андуҳларни унутиб юборгандим.

Қабул қилган қароримдан ҳеч қачон афсусланмаганман. Чунки тўрт фарзандим ичида энг меҳрибони, энг жонкуяри — Мадина! Хомуш бўлсам, кайфиятимни кўтаришга ҳаракат қилади. Қувонсам, атрофимда парвона. Бир мен эмас, оиламиз, қариндош-уруғ, маҳалладошлар, умуман, атрофдаги каттаю кичик — барча уни яхши кўради.

Бир куни телевизорда уруш жабрини чекиб, оч-наҳор кун кўраётган болалар ҳақидаги лавҳа кўрсатилди. Ҳазил-мутойиба авжида, ҳамма дастурхонга тортилган таомни ейиш билан овора. Фақат Мадинанинг экранга қадалган кўзлари жиққа ёш, кафтчаларини бирлаштирганча бир нималарни пичирлаб, ўзича дуо ўқирди. У телевизор ўчирилгандан кейингина овқатга қўл узатди... Мадина каби болалар оддий эмас, улар ҚУЁШ БОЛАЛАРИдир.

Болажонларга доимо самимий муносабатда бўлинг, уларга ширин гапиринг! Илло, қалбингизда қуёш чарақлаб турсин!

# AJDODLAR YODI

**AYLANMA SKANVORD - MUAMMONOMA**

Aylanma skanvord javoblarini topib hal etgandan so`ng, chizmaning o`rta qismidagi raqamlarni javoblar yozilgan xonalardagi harflar bilan almashtirish orqali muammonomani hal etish bilan O`zbekiston xalq shoiri Normurod Narzullayevning to`rt misra she'rini bilib oling.

**Foziljon ORIPOV tuzdi.**




YOSHLIK ILHOMI

Муҳаммадхон ЮСУПОВ,
Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси

# РАДИОДАГИ АМАКИ

**— Мана шундай ёқимли таронадан кейин аъло кайфиятни сақлаб қолган ҳолда дастурларимизни давом эттирамиз... Радиобошловчи шундай дегач, орага бир неча сониялик мусиқа қўйилди ва бу орада боя тутатган сигаретасидан яна бир “тортиб олди”.**

**— Демак, бизда яқинларига салом йўллашни ният қилган яна бир тингловчимиз бор, — давом этди унга қўнғироқ борлигини ишора қилган операторга бош чайқаб, — улар билан танишамиз. Ассалому алайкум!**

— Ассалому алайкум, радиодаги амаки...

Саломига қўнғироқдек ёқимли, чамаси тўрт-беш ёшлардаги қиз бола шундай алик олди. Бошловчи шу заҳоти унга илжайиб турган операторига қаради-ю қўлларини икки ёнга чўзиб: “Бу нимаси?” дегандек ишора қилди. Оператор иккала қўлини “тўппонча” қилди-да, бир кўзини қисиб, гўё бошловчига бир неча марта ўқ узгандек қилиб: “Бопладимми?” дегандек таассурот уйғотди.

— Алло, амаки?

Бошловчи сергак тортди.

— Алло, алло, қизалоқ, ён-атрофда каттароқ кишилар борми? Ака-опанг, ота-онанг?

— Йўқ, уйда ҳеч ким йўқ. Қўшнимиз менга қараб турганди, уйига чиқиб кетди. Мен у кишининг телефонларидан қўнғироқ қиляпман...

— Ҳа, майли, — энсаси қотган бўлди бошловчининг. — Кимга салом йўлламоқчисан?

— Ойимга.

— Яхши, ойинг қаерда?

— Менга ука олиб келгани кетганди, ҳалиям қайтмади.

Бошловчининг юзига табассум югурди.

— Ҳали ука тополмагандирлар-да.

— Йўқ! — қатъий оҳангда гапирди қизалоқ. — Укам кеча келиб бўлди. Аммо ойим келмади...

Бошловчининг юзидаги табассум аста йўқолиб, қошлари чимирила бошлади. Қизалоқ эса, сўзида давом этди:

— Укамни дадам олиб келди. Аммо ойимни сўрай олмадим. Мени дадамнинг олдига киритишмаяпти. “Безовта қилма, ўзи аҳволи оғир!” дейишади. Онамни сўрасам ҳам ҳеч ким жавоб бермайди, мени қучоқлаб олишади. Йиғлаб ҳам беришади.

Диктор креслога суянганча кўзларини бир нуқтага тикиб, қошлари чимирилган ҳолда қизни диққат билан тинглarди.

— Сиз доим ҳамманинг саломини бошқаларга етказасиз. Меникини ҳам етказинг! Яна, укам келиб бўлганини айтинг! Ҳали ҳам қидириб юрибди, шекилли.

Бошловчи жавоб бермади.

— Алло, амаки. Саломимни етказасизми?

— Қизалоқ, — унинг овози кутилмаганда титраб кетди. — Сенинг гапларингни етказа олмайман. Кечир!

— Нега? — йиғламсираб сўради қизча.

— Чунки, бизнинг радиотўлқинлар ойинг кетган жойларгача етиб бормайди. Аммо..., — бошловчи йигит бўғзига тиқилган йиғи сабабми, гапиришга қийнала бошлади, — аммо сен ўзинг етказишинг мумкин. Ўргатайми?

— Ўргатинг! Ўргатинг! — қувониб кетди қиз. У худди сирдошига гапираётгандек тараддудланиб, паст овозда гапира кетди:

— Ҳар куни ухлашга ётганингда, хонада сендан бошқа ҳеч ким қолмаганида, яхшилаб ўрнашиб олгин-да: “Эй худо, ҳозир ойим сен билан, илтимос, бу гапларимни унга етказ!...” деб ҳамма гапларингни айт! Ишонавер, у сени албатта эшитади.

— Ростданми? Жавоб ҳам қайтарадиларми?

— Йўқ, аммо астойдил гаплашсанг, тушингга киришлари мумкин.

Қизалоқнинг шодон қийқириғи эшитилди. Бошловчи пиқ-пиқ қилиб йиғлай бошлади.

— Қойил! Раҳмат. Бугуноқ ойимга шундай қилиб хабар жўнатаман...

— Қизалоқ..., — бўғиқ овозда яна гап бошлади бошловчи, — энди мен ҳам сендан бир нарса илтимос қилмоқчиман.

— Майли! — қувноқ овозда жавоб берди қиз.

— Ойинг билан гаплашиб бўлгач, радиодаги амакингнинг ўғлига ҳам икки оғиз гапни етказиб қўясанми? У ҳам ойинг кетган ёқда ҳозир.

— Ҳа, албатта, етказаман. У ҳам ўзига ука олгани кетганмиди?

— Йўқ... У шунчаки музқаймоққа кетганди...

“Амаки” ўкириб юбормаслик учун лабини тишлади.

— Музқаймоққа? Ҳа майли, унга нима деб қўяй?

— Унга..., — борган сари гапиришга қийнала бошлади бошловчи, — унга дадаси ва ойиси уни жудаям яхши кўришини ва жуда соғинганимизни айтиб қўй. Кейин... тушимизга ҳам тез-тез кириб турсин. Мен унга ўша куни уйга музқаймоқ олиб келишни унутганимдан қанчалик афсусланишимни ҳам етказ...

— Хўп, албатта, айтаман. Ҳа-я, нимага ўзингиз айта қолмайсиз?

У жавоб бермади, беролмасди чоғи.

— “Радиотўлқинларингиз” у ёққача етмасди-а, айтганча?..

Бошловчи қизнинг жавобини у кўрмаса-да бир неча марта бош эгиб тасдиқлаб қўйди. У ҳамон унсиз йиғларди. Қизалоқ яна бир олам раҳматлар айтди-ю, ўз ортидан давомли гудоклар ва кўз ёшларни қолдириб, кетди...

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
ISSN 2010-6998
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Камолиддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари (“Yoshlar ovozi”); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари (“Молодежь Узбекистана”); Елена Калинина — масъул котиб (“Молодежь Узбекистана”).

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Ҳусанович
Абдуллаев Хуршид Ўктамжонович

Навбатчи
Нодирабегим Жамолова

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г- 536
Адади — 21976

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.55
ЎзА якуни — 23.15

Офсет усулида босилган.
1 2 3 4 5